O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 25-dekabr • Payshanba • 151-152 (27.957) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Жорий йилда «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш», «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида тиббиёт муассасаларига қарийб 3,5 миллион АҚШ доллари қийматидаги асбоб-ускуналар етказиб берилди».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

2009 ЙИЛ 4 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2009 ЙИЛ 2 ЯНВАРЬ ЖУМАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда аҳолини дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 4 январь якшанба дам олиш куни 2009 йил 2 январь жумага кўчирилсин. 4 январь якшанба кунини иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 декабрь



ЯНГИ КОРХОНА

Самарқанд вилоятининг Ургут туманида кабель ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ургут — Вағаштикабелсервис» хусусий корхонаси иш бошлади.

Корхонага замонавий хориж технологияси ўрнатилгач, юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Йилига 288 минг километр узунликда кабель ишлаб чиқариш қувватига эга корхонамизда 20 нафардан зиёд ёшлар меҳнат қилмоқда, — дейди корхона раҳбари А.Тоғбегиев. — Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам, ишчилар сони ҳам кўпаяди.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни кейинчалик экспорт қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

ИСТЕЪДОДЛАР ИЖОДИЙ ИШЛАРИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ўтказилаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови доирасида тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди. Унда мазкур танловнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши қатнашчиларининг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси ўринбосари М.Рустамов, Ўзбекистон халқ рассоми А.Нур Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, теран тафаккур, юксак маънавият соҳиби этиб тарбиялаш борасида барча шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидлади.

2-бет



✓ ЎзХДП ҳамкорлигида

МАҚСАДИМИЗ — ТИНЧЛИК, ЭЗГУЛИК

Тинчлик ва барқарорликка жиддий хавф солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ҳар биримиздан доимо ҳушёрликни талаб этади. Жойларда бу борада турли тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Куни кеча Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам «Ёшлар терроризмга ва гиёҳвандликка қарши» мавзуига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП фаоллари, республика Бош прокуратураси ходимлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, университет ўқитувчи ва талабалари иштирок этди. Сўзга чиққанлар террорчилик инсоният бошига мислсиз кулфат келтираётгани, бу ёвуз кучга қарши курашиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини таъкидлади. Гиёҳвандлик келтириб чиқараётган оғир оқибатлар ҳақида фикр юритдилар.

— Асримиз вабоси бўлган бу иллатларнинг аянчли жиҳатлари бизга маълум, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Терроризм офати дунёдаги барча эзгу ниятли кишилар қатори халқимизни, мана шу заминда яшаётган инсонларни асло бефарқ қолдирмайди. Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида сўзлаган нутқида, 1999 йили бўлиб ўтган Истанбул саммитида ҳамда бошқа кўплаб нуфузли халқаро анжуманларда жаҳон жамоатчилигини терроризм таҳдидидан огоҳ этганди. Бу хатарга қарши биргаликда курашиш борасида амалий таклифлар билдирган эди. Тинчлик, осойишталик ҳар бир инсон учун қимматли неъматдир. Уни сақлаш ҳар биримизнинг, жумладан сиз ёшларнинг ҳам бурчингиздир.

2-бет

✓ ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

«ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН»

2008 йилнинг ўтган ойларида партиямизнинг Жиззах шаҳридаги бошланғич ташкилотларига шу мазмунда 102 та ариза тушди. Шундан 91 кишининг аризаси ижобий ҳал этилди.

— Нега фақат 91 та ариза, қолганларичи? — деган савол туғилиши табиий.

— Тўғри, ХДП сафини янги аъзолар, хусусан ёшлар билан тўлдириб бориш муҳим вазифамиз, — дейди партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши раиси Носиржон Сиддиқов. — Лекин сафимизга қабул қилиш механизми ҳақида ўйлаб кўришимиз керак. Аввало, партияга кираётган одамлар ҳаётда нималарга таянади, улар партиянинг дастурий мақсадларидан хабардорми, асосий ғояларини яхши биладими, уларни амалга ошириш учун қатъият билан курашишга тайёрми? Умуман, партия ўз сафига кираётган янги аъзоларига таянса, суянса бўладими? Айнан шу талабларга эътиборли бўлиш партия фаолияти самарасини оширади. Айрим бошланғич ташкилотлар бу ишга бефарқ қарайди, оқибатда қабул қилинаётган аъзоларга талаб бир мунча суст.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

❖ Қонун ва шарҳ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ

ёки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг ўрни, аҳамияти ҳақида

Суд-ҳуқуқ тизимида ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Бу соҳадаги вазифаларнинг асосий йўналишларидан бири — фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратишдан иборат. Зеро, Конституциямизнинг 116-моддасида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган. Буни амалга ошириш адвокатура институти зиммасидадир. Адвокатура — фуқаролик жамиятининг муҳим ҳуқуқий институти. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашда адвокатура алоҳида ўрин тутади, қонунларни амалиётга татбиқ этади.

Мамлакатимизда 1996 йили «Адвокатура тўғрисида», орадан икки йил ўтиб, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида» Қонун қабул қилинди ва Ўзбекистонда адвокатура институтининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий меъёрнинг амалда самарали ишлаши, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини, шунингдек, уни малакали кадрлар билан таъминлаш, мутахассислар мустақиллиги кафолатини кучайтириш, бу касбнинг обрў ва нуфузини ошириш мақсадида 2008 йил 1 май куни Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони эълон қилинди. Фармонда фуқаролик жамияти институти сифатида адвокатурани ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини тўла таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

2-бет

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Халқаро Валюта Жамғармасининг ҚЎШМА БАЁНОТИ

Тошкент, 2008 йил 19 декабрь

Халқаро Валюта Жамғармаси Миссияси 2008 йил 8-19 декабрь кунлари Тошкентда бўлди. Миссияга Халқаро Валюта Жамғармасининг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним бошчилик қилди.

Ташрифдан кўзда тутилган мақсад 2008 йилдаги иқтисодий ва молиявий ҳолатни ва жаҳон иқтисодиётида сўнгги пайтларда рўй бераётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда, 2009 йилги истиқболларни ва расмий идораларнинг иқтисодий сиёсат борасидаги режаларини баҳолашдан иборат эди. Миссия самарали ҳамкорлик ва ошкора фикр алмашув учун расмий идораларга алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Жаҳон иқтисодиётида кредит инқирози давом этаётган ва ривожланган давлатларда иқтисодий пасайиш кузатилаётган бир пайтда, 2008 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти барқарорлиги сақлаб қолинди, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 9 фоизни (расмий маълумотларга кўра) ташкил этди, мамлакатда ташқи савдо балансини ва бюджетнинг сезиларли профицити кузатилди, валюта резервларининг ошиши давом этмоқда, банк тизими барқарорлиги сақланмоқда. Инфляция ўсишининг олди олинмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг жиддий пасайиши 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиётига унинг экспортига кирувчи хомашё товарлари нархларининг тушиши, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор-давлатларида иқтисодий ўсишнинг пасайиб кетиши ҳисобига экспорт товарларига талабнинг камайиши, пул ўтказмаларининг қисқариши орқали таъсир этиши мумкин. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган давлатлар молия бозорлари билан тўлиқ интеграциялашмаганлиги сабабли хорижий кредитлар ва капитал оқимининг кескин камайиши ҳисобидан жиддий зарар кўриш эҳтимоли йўқ.

Ўзбекистон ўзининг мустаҳкам макроиқтисодий салоҳияти туфайли иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун катта молиявий имкониятларга эга. Жаҳондаги инқирознинг иқтисодий ўсишга салбий таъсирини юмшатиш учун молиявий барқарорликни таъминлаш ва инфляцияни пасайтириш билан бирга аниқ тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш зарур. Халқаро Валюта Жамғармаси расмий идораларга ушбу масалалар юзасидан ёрдам кўрсатишга тайёр.

Миссия умид қиладики, расмий идоралар томонидан ички талабни рағбатлантириш мақсадида кенг қамровли иқтисодий сиёсатнинг амалга оширилиши, хусусан кенг кўламли солиқ-бюджет сиёсати ва пухта ўйланган пул-кредит сиёсати натижасида 2009 йилда, иқтисодий ўсишнинг бироз пасайишига қарамай, иқтисодий ривожланиш истиқболларининг ижобийлиги, савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдоси ва бюджет профицити сақлаб қолинади. Миссия жаҳондаги молиявий инқирозга жавобан протекционистик чораларни, валютани чеклашни, алмашув курсини кескин пасайишни қўлламасликни тавсия этади.

Расмий идоралар ва миссия банкларнинг иқтисодий фаолиятдаги ролини янада мустаҳкамлаш муҳимлиги хусусида келишиб олдилар. Миссия расмий идораларга банкларни уларга хос бўлмаган функциялардан озод этиш ва пулларни узлуксиз берилишини давом эттириш орқали банк тизимига бўлган ишончни янада мустаҳкамлашни тавсия этди, банкларда давлат улушининг оширилиши ва давлатнинг банк фаолиятига аралашуви вақтинчалик эканлигини маъқуллади.

Миссия тўлов баланси бўйича маълумотларни такомиллаштиришда эришилган ютуқларни ва расмий идораларнинг миллий даромад ва нархлар статистикаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга доир қатъий режасини маъқуллайди.

БУГУНГИ СОНДА:

Озод юртнинг обод манзиллари

• БУХОРО: XXII АСР БОЗОРИ — 3

Соғлом авлод учун

• БАРКАМОЛ ФАРЗАНД — ОИЛА СЕВИНЧИ — 4

• АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА ЯНГИЛИК
иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда — 5

• «МЕН МОНОПОЛИЯ, ПРОКУРАТУРА, ДЕПАРТАМЕНТДАНМАН»
дея кўпларни чув туширган сохта текширувчининг сири фош бўлди — 7

• МАҲДУМИ ХОРАЗМИЙ
Самарқанддаги Регистон майдонининг шарқий қисмида юқоридаги ном билан аталадиган гузар ҳамда обида бор — 8



МАҚСАДИМИЗ – ТИНЧЛИК, ЭЗГУЛИК

— Халқаро терроризм, экстремизм ва уни таъминлаб турган наркобизнес балоси туфайли дунёда минглаб қурбонлар берилди, — деди иштирокчилардан бири Баҳодир Азизхожиев. — Бунинг фожиаларини ўз бошимиздан ҳам ўтказдик. Халқимиз терроризмга қарши курашда дунёдаги барча соғлом кучлар билан бирлашиб, халқаро жамоатчилик амалга ошираётган ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Ҳар бир фуқаро ҳушёр бўлса, бир-биримизни бало-қазодан асрасак, бундай иллатлар сарҳадларимиздан ошиб ўтолмайди.

— Маълумки, бир халқни ўзига тобе қилишни истаган кучлар, аввало унинг ўзлиги, тарихи, маданиятидан жудо қилишга интилади, — деди республика Бош прокуратураси матбуот хизмати раҳбари Светлана Ортиқова. — Айниқса, муқаддас Ислом динини ниқоб қилиб олиб, халифалик тузамиз деган даъво билан қон тўккан бузғунчилар тажрибасиз ёшларни иймон-эътиқодидан айириш, ўз вайронкор мафкураси таъсирига олишга интилади. Бундай ғаразли мақсад йўлида ҳеч нимадан қайтмайди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида содир этилган қонли воқеалар ёдимизда. Қора кучлар халқимизнинг тинч ҳаётига рахна солгани, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлгани ҳамон юрагимизни тирнаб турибди. Албатта, уларнинг манфур нияти фош этилди. Ҳақиқат қарор топиб, халқимиз бошига бундай кулфат солганлар ўз жазосини олди. Энг муҳими, халқимиз террорчилик ҳаракатлари остида қандай ғаразли, ёвуз ниятлар ётганини англаб етди.

Тадбирда терроризм ва унинг мудҳиш оқибатлари ҳақида ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: *давра суҳбати иштирокчиларидан бир гуруҳи.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

«ПАРТИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН»

Бунга қатъий чек қўйиш, партияда тартиб-интизомни кучайтириш мақсадида барча партия аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилиб, аъзолик гувоҳномалари янгиланган эди. Шуни инобатга олиб, ХДП сафига кириш учун ариза берган 11 кишига партия дастурий мақсадларини ўрганиб чиқиш учун муддат берилди. Бизга дастурий мақсадларимиз рўёби учун курашувчи фидойилар зарур. Улар партиямизнинг жамиятдаги обрўсини ошириш, электорат билан алоқаларимиз мустаҳкамланишида чинакам кўмакдош, яқин ёрдамчи бўлиши керак.

— Коллежимизда ХДПнинг 10 нафар аъзоси бор, — дейди Жиззах уй-жой-коммунал хизмати касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Ўрозбоз Рисқулов. — Мен анча ўйлаб, ХДПни танладим. Одамлар сиёсий партияларга уларнинг амалий ишларига қараб баҳо беради. Назаримда, ХДПнинг амалга ошираётган ишлари кўпчиликка маъқул келаяпти.

Партиямиз сафини мустаҳкамлаш, жойларда обрў-эътиборини оширишга унинг бош бўғини бўлган барча бошланғич ташкилотлар ҳам бирдек жиддий қараяпти, дея олмаймиз. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, шаҳардаги мавжуд 74 та бошланғич партия ташкилотининг айримларида кейинги вақтларда партия электорати, хайрихоҳлари билан ишлаш борасида бирор бир жиддий тадбир амалга оширилмаган. Энди, ўзингиз хулоса чиқаринг: ушбу масъулиятли ишга бу қадар лоқайд қараш бошланғич ташкилотнинг сусткашлигими ёки етакчининг фаолиятсизлиги?

Одатда, ҳар қандай партия, жумладан бошланғич ташкилотнинг обрўси, аввало, амалий иш билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, партия аъзоларига хусусан бошланғич ташкилотга талаб қўйилади. Бу талаб қанча изчил амалга оширилса, партия сафи ўз ишига фидойи кишилар билан шунча кенгаяди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

❖ Қонун ва шарҳ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛ ИНСТИТУТИ

ёки инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда адвокатуранинг ўрни, аҳамияти ҳақида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланган «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун ҳам Ўзбекистонда адвокатура институтини ислоҳ қилиш мақсадида ишлаб чиқилган. Ҳужжат қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Биринчидан, жиноят процессида айблов ва ҳимоя томонларининг ҳуқуқлари тенглиги қонуний асосларини янада такомиллаштириш.

Иккинчидан, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташини белгилаш, адвокатларнинг мунтазам равишда малака оширишини жорий қилиш.

Учинчидан, адвокатура фаолиятини лицензиялашнинг самарали тизимини яратиш.

Тўртинчидан, адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаш.

Бешинчидан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамиятининг мустақил институти — адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган, марказлашган тизимини ташкил қилиш.

Олтинчидан, адвокатлар томонидан қонун талаблари ва касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизми ҳамда адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизимининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришдир.

Жиноят-процессуал кодексига ўзгартишлар киритиш орқали жиноят процессида томонлар тенглигини таъминлаш, ҳуқуқий ёрдамнинг сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Ҳимоячига ишга алоқадор маълумотга эга шахсларни сўровдан ўтказиш, уларнинг розилиги билан ёзма тушунтириш, тегишли ҳужжатлар олиш учун сўров хатлари юбориш, далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни мустақил тўплаш ва тақдим қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Ҳимоячининг бундай ҳуқуқларга эга бўлиши гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига малакали юридик ёрдам кўрсатишига имкон беради.

Ҳимоячи билан таъминлашнинг замонавий имкониятларини яратиш мақсадида гумон қилинувчи ва айбланувчига ўз яқинлари ёки адвокатга қамоққа олингани ҳақида хабар бериши учун телефон қилиш ҳуқуқи берилмоқда. Жиноят-процессуал кодексининг ҳимоячи билан учрашиш, учрашув вақтининг чегараланмаслиги тўғрисидаги меъёрлари тўлдирилди. Янги ўзгартишларга кўра, тергов жараёни ва судда сукут сақлаш ҳуқуқининг таъминланиши айбсизлик презумпциясининг аҳамиятини ошириб, ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Амалдаги қонунчиликда адвокатлик мақомига эга бўлиш учун қўйилган талаблар етарли даражада эмас. Ушбу касб эгалари юксак ахлоқий талабга жавоб бериши лозимлиги ҳақида мезонлар йўқ. Айрим ҳолларда соҳага касбий кўникмага эга бўлмаган, билим савияси паст ходимларнинг кириб келиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Янги қонунга кўра, адвокатликка номзоднинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташи ҳамда мунтазам равишда ўз касбий малакасини ошириб бориши ҳақидаги талабларнинг белгиланиши юқоридаги ҳолатнинг олдини олишга қаратилган.

Қонунда адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизими ҳам такомиллаштирилиб, лицензия олган шахсга мажбурият юкланмоқда. Яъни, у уч ой давомида соҳада фаолият бошлаши шарт. Бу талабни бажармаслик лицензияни тўхтатиб қўйиш ва уни бекор қилишга асос бўлади.

Қонунга адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш мақсадида муҳим тушунчалар киритилган. Масалан, якка тартибда фаолият кўрсатадиган адвокатлик бюроси, шерикчиликка асосланган ҳамда икки ва ундан ортиқ адвокат томонидан ташкил этиладиган адвокатлик фирмаси ёки аъзоликка асосланган, аъзолар сони 10 кишидан кам бўлмаган адвокатлар ҳайъатининг ҳуқуқий мақоми белгиланмоқда.

Адвокатуранинг ўзини ўзи бошқарадиган, марказлаштирилган тизимини ташкил қилиш масаласи давлатимиз раҳбари Фармонида алоҳида кўрсатиб ўтилган эди. Бугунги кунда Адвокатлар ассоциацияси негизида мамлакатимизда фаолият кўрсатадиган барча адвокатларнинг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Адвокатлар палатаси ташкил этилди. Унинг фаолияти адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминлаш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, адвокатлик тузилмалари фаолиятини тартибга солиш каби қатор вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Шу муносабат билан қонунга Адвокатлар палатаси, унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифалари, органлари, мансабдор шахслари ҳамда молиялаштириш манбалари белгилаб берилган меъёрлар киритилди.

Маълумки, қонун талаблари, касб одоби тамойилларини бузган адвокатларга нисбатан интизомий чора белгилаш масаласи ҳам амалиётда катта муаммо бўлиб келаётган эди. Шунинг учун унга Адвокатлар палатасининг асосий вазифаларидан бири сифатида адвокатлар томонидан қонунчилик, касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш, яъни адвокатга нисбатан интизомий иш кўришга қаратилган меъёрлар билан бойитилди.

Бир сўз билан айтганда, адвокатура институти фаолиятининг такомиллашуви фуқароларнинг Конституцияда белгиланган малакали юридик ёрдам олиш, ҳуқуқ ва эркинлигининг кафолатли, самарали ҳимоя қилишга кенг имконият яратади.

Фахриддин РАЖАБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.

✓ ЎзХДП етакчилари

ОДАМЛАР ҚУВОНЧИ ВА ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАЙДИ У, ДЕЙИШАДИ ғузорликлар Рўзигул Холманова ҳақида



Партиямиз Ғузор туман кенгашига ўн икки йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган Рўзигул Холманова ҳар доим одамлар орасида. Уни доим қайсидир масалаларни муҳокама қилаётган, оддий кишиларга нималарнидир тушунтираётган пайтда учратасиз. Қачон борманг, партия кенгаши одамлар билан гавжум. Бугун келганлар орасида фарзандининг олий таълим олиши учун шартномада кўрсатилган маблағни ўтказишга қийналаётган ўрта ёшли киши, ишга жойлаша олмаётган муаллима, «Наврўз» маҳалласи вакили ҳам бор эди. Кўпчилик аризасини қолдириб, қачон хабар олишини аниқлаб кетишди. Аммо Орғунча қишлоғидан келган олтмиш олти ёшли Шарофат Янгибоева:

— Рўзигулни кўрмасдан кетмайман, — деди. — Ўн фарзандниг онасиман. Шукр, ўғилларим фермер, улар гапимни ерда қолдирмайди. Ниятим Рўзигул билан маслаҳатлашиб, хайрли ишлар қилиш.

Туман халқ таълими бўлимида йўриқчи бўлиб ишлаётган партиямиз фаоли, оқсоқол Олтинбой Омонов билан шу ерда танишдик. У Рўзигул опа билан бир мактабда ўқиган. Айтишича, Рўзигул Холманова мактабдаёқ ташкилотчилиги билан кўзга ташланган. Қарши давлат университетининг тил-адабиёт факультетини битириб, мактабда, туман халқ таълими бўлимида ишлаган...

Хонага Ғузор туман ҳокими Шомурод Донаев кириб келди. У ҳам партиямиз аъзоси.

— Рўзигул опа оқила, доно аёл, — деди у. — Доим ундан яхши фикр чиқади. Туман кенгаши депутати сифатида ибратли, хайрли ишларга бош бўлмоқда.

Туман ҳокимининг партия етакчисини йўқлаб келгани менда ўзгача таассурот уйғотди. Буни сезгандай, Шарофат ая Янгибоева яна гапга тушиб кетди:

— Эй, болам, яхши раҳбар одамлар билан ишлашни билади, уларга таянади. Рўзигул ҳамюртлари учун жонини ҳам беришга тайёр. Шунинг учун уни туманда катта-кичик ҳурмат қилади. Сизга айтсам, қирқ йил қурт бокдим, пилла топширдим. Бирор муаммо чиқса, Рўзигулни йўқлаб келаверардик. Уям ёнимизга кириб, ташвишларимизга шерик бўларди. Бировга ёрдам бериб, хурсанд бўладиган, раҳбарлардан у.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Рўзигул Холманова туман ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари лавозимида меҳнат қилиб, ибратли ишларнинг бошида турди. Айниқса, ихтисослашган мактабларни ташкил этиш, биноларни таъмирлаш ишларига муносиб ҳисса қўшди. 1996 йилда ХДП Ғузор туман кенгаши раислигига сайланди. Айни пайтда туманда партиянинг 60 та бошланғич, 25 та ҳудудий ташкилоти 2600 аъзони бирлаштириб турибди. Кейинги икки йилда партия сафига кираётганларнинг 75-80 фоизи ёшлар. Партиямиздан 10 киши туман, 3 киши вилоят Кенгаши депутатлигига сайланган. Фаоллар билан суҳбатимиз қизиб турган бир пайтда Рўзигул Холмонованинг ўзи хонага кириб келди. Олтинбой ака билан муҳим ишларни кенгашиб олишди. Унга ҳоким йўқлаб келганини айтишди.

— Ҳа-я, маслаҳатлашадиган ишлар бор эди, — дейди Рўзигул опа. — Билсангиз, туманимизда ичимлик сув таъминотини яхшилаш режалари тузилган. Бу муҳим масала. Мен «Шўртангазкимё» мажмуига шу иш юзасидан боргандим. Ёрдам берадиган бўлишди. Бу жамоа кейинги вақтларда кўпгина яхши ишларга ҳомийлик қилаяпти.

Қабулга келганлар кетгач, унга мақсадимни айтдим:

— Мен партия ҳаётининг чамбарчас қисми — депутатлар билан ишлаш, уларнинг электорат манфаатлари йўлидаги ташаббускорлигини ошириш тажрибаси ҳақида сўрамоқчи эдим. Яқинда бўлиб ўтган ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроқўмининг кенгайтирилган йиғилишида айнан шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди...

— Йиғилиш материалларини яхшилаб ўрганиб чиқдим. Туманимиз заминига Аллоҳ тенгсиз бойликлар ато этган. Мамлакатимизнинг энг катта газ конлари, уни қайта ишлайдиган иккита йирик корхона шу жойда. Албатта, уларга таянамиз. Чунки тумандаги аҳолининг кўп қисми қишлоқларда яшайди. Фақат деҳқончилик билан чекланиш мумкин эмас. Янги иш жойлари керак. Юртбошимиз шу йил воҳамизга келганларида алоҳида уқтирганларидек, қишлоқларга саноат кириб борсин. Ҳозир бу борада партиямиздан туман, вилоят Кенгашларига сайланган депутатлар билан биргаликда иш олиб бораяпмиз. Масалан, «Наврўз» маҳалласида янги сув қувурларини тортиш бошланган. Шу маҳалладаги Светлана Қурмаева, «Пахтазор» маҳалласидан Юлдуз Ҳайдарова бошқа ўнлаб фуқаролар моддий кўмак сўрашган. Очиғи, бу масалаларни ёлғиз партия кенгаши аралашиши билан ҳал қилолмаймиз. Депутатларимиз, ҳомийларимиз, фаолларимиз ёрдами керак. Хуллас, ишлар етарли...

Опа гап орасида донишмандлардан бирининг «Ҳаёт — устоз, халқ — муаллим» деган пурмаъно сўзларини эслатди. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобини қайта-қайта мутолаа қилаётгани, унда келтирилган ҳаётий мисоллар ўй-фикрини чулғаб олганини гапирди. Ана шунда мен бу оқила аёлнинг қалби қанчадан-қанча орзуларга тўла экани, бу йўлда астойдил курашаётганига яна бир бор амин бўлдим.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ИСТЕЪДОДЛАР ИЖОДИЙ ИШЛАРИ НАМОЙИШИ

Барпо этилаётган кўплаб санъат саройлари, кўргазма заллари, маданият ва санъат йўналишидаги ўқув муассасалари ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши баробарида, уларнинг бадиий-эстетик дидини янада юксалтириш, ёшларга санъатнинг энг ноёб дурдоналаридан бахраманд бўлиш имконини бермоқда. Ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига яқиндан кўмаклашишда «Келажак овози» танловининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу йил мазкур беллашувнинг якуний босқичида бир юз ўн беш нафар йигит-қиз ўзининг олти юзга яқин ижодий иши билан қатнашмоқда. Тасвирий санъатнинг графика, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик каби йўналишларидаги ижодий ишлар шулар жумласидандир.

Шоҳиста Хонибекова Хоразм вилояти Урганч туманидаги 43-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Шоҳиста тиккан сўзанаю дўппилар нақшинкорлиги, камалак жилолари билан эътиборни тортади. Барча йигит-қизлар қатори у ҳам мазкур танловнинг республика босқичида қатнашаётганидан жуда мамнун ва билдирилган бундай катта ишончни аъло ўқиш ва фаол ишлари билан оқлаш ниятида.

Наманган вилоятининг Поп туманидаги Иқтисодиёт коллежида таълим олаётган Ёдгорбек Ўлмасов танловга элликдан зиёд ҳайкалтарошлик иши билан келган. Ёдгорбекнинг айтишича, бу кўрик-танлов ёшларга ўз истеъдод ва имкониятини янада кенгроқ намоён этишида яқиндан кўмаклашмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Суратларда: *кўргазмадан лавҳалар.*

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

✓ Озод юртнинг обод манзиллари

БУХОРО:
XXII АСР БОЗОРИ



Йигирма беш асрлик қадим тарихга гувоҳлик берувчи мўйсафид шаҳар шу кунгача ўзининг бетакрор обидалари билан жаҳон аҳлини лол қолдириб келади. Мустақиллик шарофати билан бу азим маскан янада чирой очди. Кўпдан-кўп замонавий ўқув даргоҳлари, хиёбону кўчалар, йирик супермаркетлар қад ростлади. Айниқса, Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан барпо этилган Бухоро марказий бозори шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди.



— Салкам уч ой ичида янгидан қад ростаган бу бозор бултур Наврўз байрами арафасида ишга туширилган эди, — дейди шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси Ориф ҳожи Хўжаев. — У ўзининг бетакрор меъморий ечими, харидорларга яратилган қулай шароит ва хизмат кўрсатиш сифати билан эътиборга молик. Қолаверса, тарихийлик деган мезон бор. Бозор XVI асрда барпо этилган қалъанинг кўҳна Толипоч дарвозаси билан ёнма-ён. Иншоотнинг меъморий ечимида шу ҳам инобатга олинган. Унда Бухоро меъморчилик мактабига хос анъана алоҳида кўзга ташланган.

— Мазкур бозор лойиҳасида, — дейди таниқли меъмор, Маҳмуд Аҳмедов, — кўпроқ Бухоро тарихига таянилди, унинг иқлим шароити инобатга олинди. Бухоро меъморчилигига хос услублар билан замонавий бинокорлик тажрибаси уйғунлаштирилди. Натижада ҳақиқий шарқона бозор андазаси вужудга келди...

Ҳа, маҳобатли иншоотнинг олд дарвозаси, мевалар, қуруқ мевалар, нон, гўшт, сут, балиқ, парранда, полиз маҳсулотлар савдосига ихтисослашган алоҳида павильонлар, ҳамда расталар ҳамманинг эътиборини ўзига тортади. Гул дўкони, супермаркет ва бошқа ўнлаб шохобчаларда ўзгача жозиба...

— Илгари бу ерда кўримсиз бир бозор бўларди, — дейди зиравор билан савдо қилувчи Исомиддин Шахобов, — жой торлиги, ноқулайликдан азият чекардик. Ҳозир чиннидек ялтираб турган тоза-озода расталарда савдо қиляпмиз. Электрон тарозидан фойдаланаяпмиз. Яратилган бундай қулайликлардан беҳад хурсандмиз.

Дарҳақиқат, бозорда сотувчига ҳам, харидорга ҳам барча шароит яратилган. Аҳолига кўрсатилаётган 22 та хизмат тури компьютерлаштирилган. Илгари патта пули териш билан 20 дан ортиқ ходим банд бўлган бўлса, бугун уни атиги икки киши назорат қилади.

— Бозор ҳудудида ўн бешга яқин касса фаолият кўрсатади ва у марказий компьютерга уланган, — дейди шаҳар ДСИнинг таянч пункти раҳбари Истам Маҳмудов. — Ҳар бир сотувчи эрталаб ишни патта олишдан бошлайди. Узоғи билан соат ўнгача бу жараён ниҳоясига етади. Ҳар бир сотувчининг ўрни компьютерда рақам билан белгиланган. Қайси сотувчи ўз вақтида патта олмаса, унинг рақами очиқ туради. Илгари кунлик тушум 250-300 минг сўм бўлган бўлса, ҳозир бу миқдор ўртача бир миллион сўмни ташкил этмоқда.

Бозор ҳудудида 6 та автотурар жой мавжуд. Улардаги кассалар ҳам худди шундай фаолият кўрсатади. Ҳар бир тийин ҳисобда — 13,5 гектар майдонни эгаллаган марказий бозор таркибида буюм, қурилиш моллари, ҳунармандлар бозори ҳам фаолият кўрсатаётганини назарда тутсак, ҳамма хизматларни назорат қилувчи таянч пунктлари иш кўлами аён бўлади. Шунингдек, бозорда милиция, солиқ, санитария, ветеринария таянч пунктлари, банк, почта-алоқа шохобчалари, тиббиёт пункти мунтазам ишлаб турибди.

— Биздан фақат харидорларга намунали хизмат кўрсатиш талаб этилади, — дейди «Бухоро марказий бозор» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Музаффар Рўзиев. — Улар харид қилган маҳсулотни автоуловларигача элтиб бериш учун кўп сонли аравачалардан фойдаланяпмиз. Яқинда уйдан туриб берилган буюртмаларни ҳам манзилга етказиш хизматини йўлга қўямиз. Бозорда электр энергияси, газ, иссиқ ва совуқ сув таъминотида узилиш бўлмаслиги, ободончилик ва тозаликка қатъий риоя қилиш бўйича кучли назорат ўрнатилган.

Раис муовини Жўрақул Ҳалимовнинг таъкидлашича, бозордаги тўкинлик фақат ноз-неъматнинг мўллигига боғлиқ эмас. Нарх-наво арзон ва мўътадил бўлиши жуда муҳим.



Шунинг учун бозорда кундалик нарх-наво «сапчиб» кетмаслиги учун тайёрлов-савдо бўлими йўлга қўйилган. Унинг омборида 1000 тоннагача маҳсулот сақлаш мумкин. Тайёрлов-савдо шохобчаси ходимлари ҳар ойда 100 тонна пиёз, 50 тоннадан зиёд картошкани вилоят ва бошқа ҳудудлардан олиб келиб, аҳолига бирмунча арзон нархда сотишади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари билан тузилган шартнома асосида ишнинг бундай йўлга қўйилиши — бозорда нарх барқарорлигини мунтазам таъминлашга хизмат қилмоқда.

Яна бир жиҳат. Бозорнинг 25 ўринли шинам меҳмонхонаси бўлиб, узоқ туман ва бошқа вилоятлардан келган харидорлар, тижоратчилар ундан фойдаланадилар.

Бозор атрофида 139 та озиқ-овқат дўкони, 97 та ошхона, турли хизмат кўрсатувчи шохобчалар ҳам шаҳар меҳмонларию харидорлар ихтиёрида. Бу ердан ўнлаб йўналишларга автоулов қатнови йўлга қўйилган. Хуллас, бозорга келган ҳар бир харидор ҳеч нарсага зориқмайди, яратилган шароитни кўриб, яна келсам дейди.

Таъкидлаш керак, Шарқ гавҳари саналмиш Бухоро ҳар куни юзлаб хорижлик сайёҳу меҳмонларга қучоқ очади. Меҳмонлар қадим Лабиҳовузда иссиқ чой ичиш, ҳордиқ чиқариш ва бозорларни айланишни хуш кўрадилар.

2008 йилнинг октябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Латвия Республикаси Президенти бошчилигидаги делегация аъзолари марказий бозорда бўлиб, «Бу бозор XXII аср бозори бўлибди», дея эътироф этишди.

— Бозорлар юртимиз кўрки, — дейди шаҳар ҳокими Қиёмиддин Рустамов. — Биз шаҳар ҳудудидаги бошқа бозорлар қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириб, харидор ва сотувчи учун зарур қулайликлар яратиб бериш ҳаракатидамиз.

Бугун вилоятдаги элликка яқин бозорни қайта қуриш ва кенгайтириш борасида амалий ишга киришилди. Бозорларда кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш чоратадбирларининг аниқ дастури ишлаб чиқилди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш йиғилишида Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг масъул ходимлари иштирокида диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, тергов қилиш, қидирув ишларини юритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрда қабул қилинган «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга оид масала муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва уларни тузалиш йўлига йўналтиришда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги танқид остига олиниб, бу борада прокурор ва идоравий назоратни кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишга таклиф этилган вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, ички ишлар бошқармалари ва бошқа тегишли органларнинг соҳа учун масъул раҳбарлари ахборот бердилар.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва соҳада фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли идоралар олдига қатъий талаблар қўйилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

(ЎзА)

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Андижон шаҳрида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, меҳнат ярмаркаларининг ташкил этилиши бу борада муҳим омил бўлаётир.

Яқинда шаҳарда бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Шаҳар ҳокимлиги ва бандликка кўмаклашиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 80 дан ортиқ ташкилот ва корхона, хусусий фирмалар мингга яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Шу куни 215 нафар киши ишга жойлаштирилди. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

(Ўз мухбиримиз)

Гулистон давлат университетида ёш педагоглар сафи йилдан-йилга кенгаймоқда. Уларга ғамхўрлик кўрсатиш, самарали меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

ЁШ ОИЛАЛАР УЧУН

«Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида университетда фаолият кўрсатаётган 110 нафар ёш педагог оиласига уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиб берилди.

— Мен экология ва табиатшунослик фанидан дарс бераман, — дейди ёш ўқитувчилардан бири Обрў Эшқувватов. — Кўплаб ёш оилалар қатори ер участкасига эга бўлганимиз бизни беҳад қувонтирди. Бу эътибор ва ғамхўрлик бизни янада фаол ишлашга, навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга ўз ҳиссамизни қўшишга даъват этади.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири.



81 ЙИЛЛИК ҚЎНҒИРОҚ

ҳамон жаранглamoқда

Сариосиё туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси ўзининг ноёб қўнғироғи билан фахрланади. Мана 81 йилдирки, унинг жаранги билан ўқувчилар дарс бошлайди.

— Биз учун қадрдон бўлиб қолган бу қўнғироқнинг ўз тарихи бор, — дейди мактабнинг ёшлар етакчиси Хуршида Шарофуддинова. — Бухоро муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи ўқитувчиси Собиржон Расулов 1927 йилда Сариосиё туманига ишга юборилади. Устоз ўзи билан моҳир уста томонидан тайёрланган қўнғироқ олиб келади.

Жез ва пўлат аралашмасидан қуйилган ушбу қўнғироқнинг жаранги ҳам ўзгача... Бу даргоҳда узоқ йиллар меҳнат қилган Собиржон Расулов ўз қишлоғига кетиш олдидан, уни мактабга ёдгорлик сифатида қолдирган эди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ
Сурат муаллифи Сафарали ЭШМИРЗАЕВ

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Норин – Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси» қошидаги гидрогеология мелиоратив экспедицияси

Андижон вилоятида 2009 йил I чорагида ерларнинг мелиоратив ҳолатини комплекс яхшилаш учун қуйидаги мелиоратив иншоотларда тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишларини бажаришга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Андижон туманидаги Темирйўлга параллел зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш
2. Пахтаобод туманидаги «Чиртаксой» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш
3. Хўжаобод туманидаги «Шаҳрихонсой чап қирғоғи» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш

Буюртмачи: «Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси» қошидаги Гидрогеология мелиоратив экспедицияси
(Андижон ш. Пирмуҳаммедов кўчаси, 7-а.
Телефон: 8-3742 37-39-14)

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:
Андижон ш. Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй,
тел.факс: 224-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати, оферталар очилиш куни ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

28 январда Миллий авиакомпания ташкил топганига 17 йил тўлади

UZBEKISTAN airways

Пасайтирилган тарифлар бўйича авиачипталар фақатгина
2008 йил 22 декабрдан
2009 йил 31 январгача сотилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ
ўзининг 17 йиллиги шарафига 1 январдан 31 мартгача бажариладиган

МДҲ ШАҲАРЛАРИ ҚАТНОВЛАРИГА

авиачипталар нархининг пасайтирилганлигини эълон қилади.

Шошилинг! Чипталар сони чекланган!

17 ЙИЛ — 17%

Жадвал, жойларнинг мавжудлиги ва тарифлар тўғрисида маълумотлар – (998-71) 140-02-00.
www. uzairways. com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» – хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҚЎҚОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ҚОШИДАГИ ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:

«Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар болалар юқумли касалликлар шифохонасини мукаммал таъмирлаш» ҚМИга.

Муддати — 2009 йил 15 август.

Буюртмачи: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар ҳокимлиги қошидаги Қурилиш дирекцияси.

Манзили: Қўқон шаҳар, Истиқлол кўчаси, 1-уй, телефон: 552-31-85.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳомийлар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малака, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76 мурожаат қилишлари мумкин.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши мутбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

❖ Соғлом авлод учун


БАРКАМОЛ ФАРЗАНД – ОИЛА СЕВИНЧИ

«...Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради», деган эди Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Бинобарин, истиқлол йилларида мамлакатимизда халқ саломатлигини, Она ва болаликни муҳофаза-лашга катта эътибор қаратилди. Уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ҳамда самарадорлигини ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Республикамизда бу борада энг замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган тиббиёт марказлари барпо этишга киришилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Марям Сабурова шу ҳақда ҳикоя қилади.



— Қорақалпоғистонда она ва бола саломатлигини муҳофазалашга давлатимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Айниқса, бу борада тиббий хизмат сифатини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Бинобарин, республика болалар касалхонасида катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари бажарилди, бинолар қайта реконструкция қилинди. Жорий йилнинг август ойидан мазкур шифохона Республика болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилди. Шу муносабат билан марказда реанимация, интенсив терапия бўлимлари ташкил этилди, эпидемиолог, сурдолог, логопед мутахассислари иш бошлади.



Таъкидлаш керак, шифохонани реконструкция қилишда 390 миллион сўм маблағ сарфланди. Марказга замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди.

Марказимиз 185 та даволаш ўрнига эга. 30 ўринли пульмонология, 35 ўринли гематология, 30 ўринли ревмокардиология, 30 ўринли неврология, 25 ўринли жарроҳлик, 35 ўринли ортопедия-травматология, 6 ўринли реанимация, интенсив терапия каби бўлимлар самарали ишлаб турибди. Шунингдек, физиотерапия, марказлаштирилган стерилизация, биохимик лаборатория, рентген, дорихона, қабулхона тармоқлари ҳам мавжуд.

Марказда болаларга 16 турда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади. Жамоамизда билимли, тажрибали шифокорлар, ҳамширалар ишлашади. 37 нафар педиатр ҳамда 120 нафардан ортиқ ҳамшира шулар жумласидандир.

Марказимиз туманлардаги касалхоналарга ҳам услубий ёрдам кўрсатиб келади. Маълумки, баъзи туманлардаги қишлоқ ва овуллар марказдан анча олисда жойлашган. Иссиқ жон, гоҳида бемор боланинг соғлиғини сақлашда ҳар сония ғанимат. Шундай кезларда санитария-авиацияси хизмати билан тез, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳаракатини қиламиз.

Шаҳар ва туманлар педиатрлари билан яқин алоқада, режа асосида иш олиб борамиз. 2007 йили 3695 нафар бемор бола саломатлиги тикланган бўлса, жорий йилнинг ўтган 9 ойида 4264 нафар бола ўз оиласи бағрига қайтди. Бемор болаларга аниқ ташхис қўйиш ва малакали даволаниши учун барча имконият муҳайё. Япония гранти асосида олинган 103 номдаги тиббий асбоб-ускуналардан унумли фойдаланилмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида марказда 10 та йўналиш бўйича тиббий комиссия фаолиятини йўлга қўйганмиз.

Касалхона кўп тармоқли тиббиёт марказига айлантирилиши муносабати билан типовой паспорти тайёрланиб, 2008-2010 йилларда унинг моддий-техника базасини янада яхшилаш, мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди. Ҳудудимиз бўйича болаларнинг турли касалликларга чалиниш кўрсаткичлари пасайиб бормоқда. Бу ютуқларда тиббиёт фанлари номзодлари Н.Утегенов, М.Айтжанов, А.Акбарова. К.Утемуратова, тажрибали шифокорлардан Ж.Рейимбаева, Д.Бегдуллаев, А.Валиахмедова, К.Сабурова, А.Жуманазарова, К.Ажиниязовларнинг муносиб улуши бор.

Марказимиз шифокорларининг эзгу мақсади — оила мустаҳкамлиги ва қувончи — фарзандларимиз соғлиғини янада мустаҳкамлашдан иборат.


Рейимбой ЕШИМБЕТОВ ёзиб олди.

ИТАЛИЯДА ЗИЛЗИЛА

Associated Press агентлигининг 23 декабрь куни берган хабарига кўра, Италия шимолида Рихтер шкаласи бўйича 5,2 балл ер қимирлади.

Зилзила маркази Парма шаҳри яқинидаги Апеннин тоғи ҳудудида содир бўлиб, унинг кучи Милан, Генуя ва Флоренция шаҳарларига ҳам таъсир қилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, зилзила қурбонлар ва вайроналар келтирмаган. Зилзила ҳудудида темир йўллар шикастланмаганлигини аниқлаш учун поездлар ҳаракати вақтинча тўхтаган.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛМОҚЧИ БЎЛДИ




AFPнинг 24 декабрдаги маълумотларидан бирида Францияннинг биринчи космонавт аёли Клоди Эньере (Claudie Haignere) ўзини ўлдирмоқчи бўлган хатти-ҳаракати натижасида касалхонага тушганлиги хабар қилинади.

51 ёшли космонавт ғоят ортиқ даража (доза)да қабул қилинган дори таъсиридан заҳарланган.

Эньере 1996 йилда Россиянинг «Мир», 2001 йилда Халқаро космик станциялари экипажлари таркибида фазога парвоз қилган биринчи француз космонавт аёл. 2002-2004 йилларда у мамлакат ҳукуматида Фан ва янги технологиялар вазири, 2004-2005 йилларда эса Францияннг Евроиттифоқ ишлари бўйича вазири лавозимларида ишлаган.



ҚИСҚА САТРЛАРДА



◆ *Белоруссия президенти Александр Лукашенко 23 декабрь куни 2009 йилнинг 1 январидан 31 декабригача мамлакатга берилаётган Россия гази нархи 2,5-3 баробарга арзонлашишини маълум қилди. У Россия президенти Дмитрий Медведев билан 22 декабрь куни бўлган учрашувда шундай келишувга эришган. («Интерфакс»)*



◆ *Ироқ парламенти ҳамкор давлат — АҚШ ҳарбийларига мамлакатда 2009 йил бошлангандан кейин ҳам қолишларига рухсат берди. Парламент қабул қилган қонунга кўра 4 минг кишилик Британия армияси, шунингдек Австралия, Сальвадор, Эстония ва Руминиянинг ҳам унча катта бўлмаган контингенти Ироқ ҳудудида 2009 йилнинг июль ойи охирига қадар турадиган бўлишди. («Associated Press»)*



◆ *АҚШнинг янги сайланган президенти Барак Обама давлат котиби Хиллари Клинтоннинг икки ўринбосарини расман тайинлади. Улар илгари президент Билл Клинтон маъмурлигида ишлаган Жеймс Стайнберг ва Жейкот Льюлар бўлишди. (AFP)*



◆ *Душанба куни кечқурун Парижда россиялик таниқли рассом Валентина Кропивницкая узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди. У 1978 йилда эри билан бирга Францияга эммиграция қилинганди. («Lenta. ru»)*

◆ *Олимлар Марсда ҳаёт борлигини исботловчи янги далилларни аниқладилар. Тадқиқотлар натижасида фазовий қурилма ёрдамида сайёра юзасидаги минерал қатламларни суратга олишга муваффақ бўлинди. Экспертларнинг хулосасига кўра, бу қатламлар илгари сайёрада тирик организмлар яшаши учун шароит бўлганидан далолат беради. «Қизил сайёра»ни ўрганиш юзасидан тадқиқот ишлари давом этмоқда.*

НАМОЙИШ ЧОҒИ, ДЎКОНЛАР ЁПИЛДИ



Афина марказида 3 минг нафардан ортиқ киши полиция хатти-ҳаракатига қарши такрор норозилик намойиши ўтказдилар.

Associated Press билдирган бу хабарда намойиш чоғи шаҳар марказидаги кўпгина савдо дўконлари ёпиб қўйилган. Бир гуруҳ намойишчи ёшлар полицияга тегишли автомашиналардан бирини ағдариб ташлаб, университет ёнидан ўтаётган яна бир микроавтобусларни ўққа тутганлар.

Греция қонунларига кўра, полиция университет ҳудудига ҳокимият рухсатисиз ёки прокурор санкциясисиз кириш ҳуқуқига эга эмас. Мазкур тартиб кўпчилиги ёшлардан иборат намойишчилар ҳаётига аро кирган.

Мамлакатда оммавий тартибсизликлар полиция 15 ёшли бир ўсмирни бехосдан отиб қўйганлиги туфайли 6 декабрдан буён давом этмоқда. Агентлик хабарига кўра, ҳокимият намойишлар яна такрорланишидан хавотирда.

ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Австралияда қурилиш саноати ва йўл инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида қонун қабул қилинди. Унга мувофиқ янги йўллар қурилиши учун 3,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилади. Бош вазир Кевин Руднинг сўзларига кўра, янги қонун глобал иқтисодий инқироз туфайли молиявий аҳволи ёмонлашаётган компанияларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Хабарларга қараганда, мазкур лойиҳа мамлакатда ўттиз мингдан зиёд янги иш ўрни яратиш имконини беради.



КРЕДИТ ТЎЛОЛМАГАНИ САБАБ

Буюк Британияда 2009 йилда етмиш беш мингдан зиёд одам бошпанасидан маҳрум бўлади, деб хабар беради PATA-ТАСС. Ипотека кредитини ўз вақтида тўлай олмаганлар уй-жойини бўшатишга мажбур бўляпти.

Маълумотларга қараганда, жорий йилнинг ўзида беш юз мингдан зиёд одам ипотека кредити тўловини уч ой муддатга кечиктирган, ишсизлар сони 1,07 миллионга ортган. Ҳукумат ишсизларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида икки юз миллион фунт стерлинг миқдорида маблағ ажратган. Шунга қарамай, кўплаб британияликлар иқтисодий танг аҳволда.

ҚАТНОВЛАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Хитой шимоли-шарқида кучли бўрон турди. Хабарларга қараганда, айрим ҳудудларда ҳаво ҳарорати минус ўн икки даражагача пасайган. Об-ҳавонинг ноқулай келиши автотрасса ва темир йўлларда қатор муаммолар туғдирмоқда. Айниқса, Тяньцзин шаҳрига катта зарар етди. Аэропортларда юзлаб қатновлар бекор қилинди.

Метеорологларнинг сўзларига кўра, ноқулай об-ҳаво яна бир неча кун сақланиб туради.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

«Пахта банк» Наманган вилоят бошқармаси ходимларининг эзгу ишори

Қишлоқ хўжалигини, хусусан деҳқон-фермер хўжаликларини молиявий жиҳатдан таъминлаш, уларга юксак савиядаги банк хизматлари кўрсатишда жаҳондаги етакчи компанияларнинг халқаро рейтингига сазовор бўлган акциядорлик-тижорат «Пахта банк»нинг ўрни беқиёс. Айниқса, унинг Наманган вилоят бошқармаси жорий йилнинг ўтган ўн ойи якунларига кўра юксак натижаларга эришиб, барча мижозларини хурсанд қилди. Асосий эътибор банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, унинг ликвидлигини оптимал даражада сақлаш, банк таваккалчилигини оқилона, бозор муносабатлари қонуниятлари асосида бошқариш ҳамда банкнинг ўз олдига қўйган стратегик йўналишларини амалга оширишга қаратилди.

Айни пайтда вилоят бошқармасининг 13 та филиали, 41 та мини банки, 19 та махсус кассалари, 15 та валюта алмаштириш шохобчалари орқали мижозларга сифатли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Бошқарманинг туман ва шаҳар филиалларида 2008 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига жами мижозлар сони 16536 тани ташкил этиб, шундан 6182 таси фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги субъектлари, 712 та бюджет ташкилотлари, 77 та қурилиш ташкилотлари, 127 та савдо ташкилотлари, 40 та транспорт ташкилотлари, 72 та саноат корхоналари, 11 та қўшма корхона ҳамда 7510 таси кичик бизнес субъектлари, 1805 таси бошқа тармоқ ташкилотлари ҳисобига тўғри келади. Одамларнинг «Пахта банк»га бўлган ишончи ортиши, уларга қониқарли банк хизмати кўрсатилиши туфайли мижозлар сони йил бошига нисбатан 796 тага кўпайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига банк бўлимлари томонидан пахта ва ғалла ҳосили етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар агротехник тадбирларнинг ўз муддатида бажарилиши, минерал ўғит ва нефт маҳсулотлари билан узлуксиз таъминланиши, дала ишлари билан банд бўлган ҳамда мўлжалдаги ишларни тезда битказиб беришади, азаматлар. Масалан шу йил бошларида замонавий савдо маркази қуришга аҳд қилгандим. Қурилиш ишларига эса маблағ зарур бўлиб қолди. Ҳеч иккиланмай қадрдон бўлиб қолган банкка мурожаат қилдим. Лойиҳамни тасдиқлашди. Ҳужжатлар тезда расмийлаштирилди. 50 млн. сўм кредит ажратиб беришди. Ушбу маблағ эвазига замонавий савдо марказини қуриб ишга туширдик. Туманимизда бир қатор йигит-қизларни иш билан таъминладик. Аҳолига эса қулайликлар яратилди.

— Биз «Пахта банк» мижози сифатида бу ерда амалга оширилаётган молиявий хизматлардан мамнунмиз, — дейди Наманган шаҳридаги «Дилноза Саноат қурилиш лойиҳа» хусусий корхонаси раҳбари Дилором Турғунбоева. — Маҳалламиздаги уй бекаларини, чеварларни таклиф қилиб, тикувчилик цехи ташкил қилишга қарор қилдим. Замонавий тикувчилик дастгоҳлари ва машиналари ҳамда хомашё сотиб олиш учун банк бошқармасининг амалиёт бўлимидан 50 млн сўмлик кредит олдим. Ана шу маблағ эвазига чет элдан тикувчилик дастгоҳлари олиб келиб ўрнатдик. Айни пайтда ўттиздан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланди. Бежирим ва замонавий кийим-кечаклар тайёрлаб харидорларга етказиб беряпмиз. Олинган кредитнинг фоизларини ўз вақтида қайтариб турибмиз.

Нақд пулсиз тўловлар тизимини ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар ҳам эътиборга сазовор. 2008 йил 1 ноябрь ҳолатига шаҳар ва туман бўлимлари томонидан мижозлар ўртасида жойлаштирилган пластик карталар 49997 тага етказилди. Савдо ва хизмат кўрсатиш пунктларига ўрнатилган терминаллар сони 147 тани ташкил этиб, жорий йил давомида ўрнатилган савдо терминалларида амалга оширилган савдо оборотлари 1,3 млрд сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даври ичида вилоят бўйича «Пахта банк»нинг сўм пластик карточкаларига 8,7 млрд сўмлик маблағлар жалб қилиниб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,8 млрд сўмга ўсди. Бу эса ўз навбатида замонавий тўлов воситаларидан, яъни пластик карточкалардан тобора кенгроқ фойдаланилаётганини кўрсатиб турибди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, банк ресурслари базасини кўпайтириш ҳамда омонатчилар, инвесторлар ва кредиторларнинг манфаатларига мос равишда банк бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирги кунда мижозларга «Пахта банк»нинг жойлардаги бўлимлари томонидан 24 га яқин фоизли омонат турлари амалиётда қўлланиб келинмоқда. 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан банк томонидан юқори фоизли омонат турлари амалиётга татбиқ қилинмоқда. Банкнинг 2008 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига жами омонатлар миқдори 5,7 млрд сўм бўлиб, шундан жамғарма ва муддатли омонатлар миқдори 5,4 млрд сўмдан иборат. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46,1 фоизга кўпдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тижорат банкларида аҳоли омонатларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони ҳукуматимиз томонидан аҳолининг банкларга бўлган ишончини орттириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ёрқин намунаси бўлди. «Пахта банк» томонидан ушбу Фармон ижросини таъминлаш, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жамғарма ва муддатли омонатларга жалб этиш мақсадида миллий ва хорижий валютада жозибадор, юқори фоизли «Саховат», «Фаровонлик», «Нур», «Ҳумо», «Замин», «Равнақ» ва бошқа шу каби бир қатор янги омонат турлари ташкил этилди. Мижозлар томонидан қўйилган омонатларнинг сақланиши, сир тутилиши, мижознинг биринчи талабидаёқ уларнинг ҳисоб варақларидаги маблағлар ҳеч қандай тўсиқсиз берилишини таъминлаш қонун билан кафолатланган.

Мамлакатимиз раҳбарининг фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид Фармони айни муддао бўлди. Мазкур муҳим ҳужжатда фуқароларнинг омонатларини жаҳон молиявий кризисининг эҳтимол тутилган салбий оқибатларидан ҳимояланишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, мамлакат банк тизимига аҳолининг ишончини тобора мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини тижорат банкларига жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Банк бошқармаси накд пул тушумини янада кўпайтириш учун янги-янги тадбирлар ишлаб чиқиб, ҳаётга татбиқ этимоқда. Масалан вилоятдаги бозорлар ҳудудида сотувчи ва харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, пул муомаласини яхшилаш йўлида кўп ишлар қилинди. «Чорсу» деҳқон бозори ҳудудида тажриба тариқасида ҳар бир савдо ўрни учун бир марталик патта йиғими ва кўрсатилган хизматларга ҳақ ундирилиши банкнинг махсус кассалари орқали автоматик равишда йўлга қўйилди. Шунингдек, аҳолининг коммунал тўловлари ва уяли алоқа воситаларига тўланадиган ҳақ ҳам шу кассалар орқали амалга оширилмоқда. Шу йўл билан банк кассасига нақд пул тушуми кўпайишига ва нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмаси қисқаришига эришилаётир.

Бошқарма жамоаси ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Айниқса, Ёшлар йили муносабати билан кўплаб оилалар банкдан олинган ипотека кредитлари туфайли уй-жойли бўлиб қолишди. Кўплаб хонадонлар эса мамлакатимиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган мебель, гилам, электр-хўжалик моллари ва бошқа кўплаб рўзғор буюмларига эга бўлишди.

Мамлакатимизнинг етакчи молия муассасаларидан бири бўлмиш «Пахта банк»нинг Наманган вилоят филиали ходимлари бундан буён ҳам эзгу ишларни давом эттиришмоқчи. Уларнинг нияти — жорий йилни муваффақиятли якунлаб, янги йилда ҳам мижозлар кўнглига йўл топиш.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

✓ Ватан ҳимояси — олий бурч

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ШАРАФЛИ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, профессионал армияни шакллантириш борасида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ташкил этилган ишчи гуруҳ вакиллари вилоятдаги чақирув масканлари, шаҳар ва туман чақирув пунктларининг аҳволи, тиббий чақирув комиссияларининг сифатли тиббий кўрикдан ўтказиш имкониятларини атрофлича ўрганиб чиқмоқда

Вилоятда ташкил этилган тарғибот гуруҳи томонидан аҳолига мазкур фармон талаблари ва моҳияти очиб берилмоқда. Фармонда белгиланган вазифалар, жумладан, ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароитлар, Қуролли Кучларимизнинг замонавий ҳарбий техника билан таъминланиши, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган аскарларга берилаётган имтиёзлар борасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳар томонлама соғлом, жасур, Ватанимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ҳимоя қилишга қодир йигитларни саралаш ишлари янада такомиллашмоқда.

Бу ишларни амалга оширишда «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси билан яқин ҳамкорлик ўз самарасини бераётир.

— Президентимиз Фармонига биноан, Қуролли Кучларда муддатли хизматга чақирув йилига бир марта ўтказилиши тизимда жуда катта янгилик бўлди, — дейди Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи, майор Зиёдулла Розиқов. — Бу ёш аскарларимизнинг ҳарбий тайёргарлиги сифатини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади. Шунингдек, хизматни ўтаб қайтган йигитларнинг олий ўқув юртларига ўқишга киришга тайёргарлик кўришлари учун ҳам имконият кенгаяди. Жойларда 2009 йилги чақириққа ҳозирлик ишлари бошланди.

Айни пайтда вилоятда Ватан ҳимоячилари кунига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Жойларда «Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги» доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

БОЛАЖОНЛАРГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

Юртимизда байрамлар кўп ва ҳар бир байрам арафасида турли иншоотларнинг қуриб фойдаланишга топширилиши хайрли анъанага айланган.

Янги йил байрами эса болажонларнинг севимли айёми, шу сабабли Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаси қуриб фойдаланишга топширилди.

Саховат, меҳр-мурувват кўрсатиш, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашиш миллий қадриятларнинг ажралмас қисми бўлиши билан бирга ҳақиқий инсоний фазилатдир. Аждодлардан мерос бундай хислатлар бугунги кунда янада қадр топиб улуғланмоқда.

Хусусан, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасининг янгитдан барпо этилиши ҳам бунинг исботидир. «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида бунёд этилган мазкур даргоҳда юз нафардан ортиқ ногирон болалар таълим ва тарбия олишади.

— Биринчи кундан менинг фарзандим ўз оиласига киргандай эркин ва хурсанд бўлиб, болалар билан биргаликда ўйнамоқда, — деди Фарида Умарова. — Мен буни кўриб жуда хурсанд бўлдим. Тарбиячи опаларимиз оналик меҳрини бериб, бизни ва болаларимизни шундай яхшилик билан кутиб олишди.

Ушбу бино бюджет ҳамда ҳомий ташкилотлар маблағлари эвазига қад ростлади. Жами сарфланган харажатлар миқдори икки юз ўттиз беш миллион сўмни ташкил этди. Шунингдек, бино ва унинг хоналари соҳа мутахассисларининг талаб ва таклифлари асосида жиҳозланди. Бошқача айтганда, бу ерда болажонларнинг истиқомат қилиши, билим олиши ҳамда саломатликларини тиклашлари учун барча имкониятлар мавжуд. Энг муҳими, эшик қоқиб кириб келаётган янги йил арафасида муносиб совға олган болаларнинг қувончи чексиз.

Дарҳақиқат, одамнинг энг бахтли дамлари бошқаларга эзгулик қилган онларидир. Бинобарин, шу куни имконияти чекланган болаларнинг оналарини ҳам ишга жалб этиш ҳамда у ёки бу касбга йўналтириш мақсадида шу ернинг ўзида яна бир имконият яратилди. Яъни ушбу таълим маскани қошида тикувчилик бўйича ўқув маркази ҳам очилди. Бу ерда ўнлаб аёллар бичиш, тикиш, либослар дизайни бўйича амалий кўникмаларни оширишади. Ишлаб топилган маблағлар ходимларнинг иқтисодий имкониятини яхшилаш баробарида мактабгача таълим муассасасининг моддий-техник базасини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс».

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА ЯНГИЛИК

иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда

Иқтисоди юқори даражада ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, корхоналар молиявий фаолиятига тўла баҳо берувчи ҳисобот (маълумот)ларнинг ҳаққонийлиги — холис аудиторлар томонидан текширилиши ва тасдиқланишига боғлиқ. Бу шартлар Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги (1992 йил) қонуннинг 15-, 16-моддаларида равшан кўрсатиб ўтилган.

Навоий шаҳар ДСИсидан бугунги кунда 2008 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар 2234 нафар. Улар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига кўра ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтади. Масалан, бюджетдан ташқари фондлар, устав фондида давлатга тегишли улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар, акциядорлик жамиятлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари.

Шунингдек, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳам шулар қаторига киради. Уларнинг бошқарув компаниялари, манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари, маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар ҳам.

Маълумки, қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиладиган мажбурий аудиторлик текширувидан бош тортган хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жазо қўлланилади. Уларга маъмурий жазо қўлланилганидан кейин йил тугагунига қадар мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортган хўжалик юритувчи субъектдан энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баробаридан юз баробаригача миқдорида жарима ундирилади. Бунда субъектнинг охирги ҳисобот санасидаги жорий активлар суммаси жами йигирма фоиздан ортиқ миқдорда жарима ундириш (унга жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан) олти ой мобайнида ойма-ой тўлаш имкони берилган ҳолда амалга оширилади.

Бироқ, таъкидлаш лозим, жарима тўланиши хўжалик юритувчи субъектни мажбурий аудиторлик текширувидан ўтишдан озод қилмайди. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 179-1 моддасида хўжалик юритувчи субъектга у мажбурий аудиторлик текширувидан бош тортса, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш баробаридан ўн баробаригача миқдорда жарима солиниши ҳам белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида» Низом бор. Унда хўжалик юритувчи субъект ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майигача йиллик молиявий ҳисобот аудиторлик текширувидан ўтказилмаслиги ҳамда аудиторлик хулосаси мавжуд эмаслиги — хўжалик юритувчи субъектнинг мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаши, деб кўрсатиб ўтилган.

Низомнинг 4-бандида эса мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект олдинги йил учун ўз молиявий ҳисоботини ҳисобот йилининг 1 майигача аудиторлик текширувидан ўтказиши белгиланган. Аудиторлик текшируви тамом бўлганидан кейин 15 кун мобайнида эса тегишли солиқ органларига аудиторлик хулосасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхасини тақдим этиши кўрсатилган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон иқтисодий тизимида назорат муносабатларини ривожлантириш, аудиторлик текширишларини бозор ислоҳотлари қоидаларига мос ҳолда олиб бориш — амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самара беришида муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Илҳом МАҲМУДОВ,
Навоий шаҳар ДСИ бўлим бошлиғи

ОДАМ САВДОСИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ички ишлар вазирлигида одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссияларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама этилди. Иштирокчилар одам савдоси жаҳон ҳамжамияти учун ташвишли муаммога айланиб бораётганини таъкидлашди. Мамлакатимизда бу борадаги ишларни янада фаоллаштириш, ваколатли идоралар кучини бирлаштириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш идоралараро комиссиянинг асосий вазифаси эканига эътибор қаратилди. Айни пайтда, жиноятга қарши курашишни муофиқлаштиришда баъзи камчиликларга йўл қўйилаётгани танқид қилинди ва зарур чора-тадбирлар белгиланди.

(Ўз мухбиримиз)

«СУРХОНОЗИҚОВҚАТСАНОАТ»
очиқ акциядорлик жамияти
жамоаси
халқимизни кириб келаётган
Янги — 2009 йил
билан самимий табриклайди.
«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»
ҳар бир хонадонга фақат тинчлик,
хотиржамлик, қут-барака олиб келсин.
Барчангизни яна бир бор Янги йил билан қутлаймиз!

✓ Ислоҳот одимлари

МОДЕРНИЗАЦИЯ МАНФААТДОРЛИКНИ ОШИРДИ

Натижада «Қоракўлдонмаҳсулотлари» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган ун сифати яхшиланди ва корхонанинг ташқи бозордаги мавқеи мустаҳкамланди.



Илгари мазкур жамият жамоаси томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талаб суст эди. 1983 йилда ўрнатилган ускуналар эскиргани боис хом ашёни қайта ишлашда ҳосил бўладиган кул-кулдорлик миқдори анча юқори ва бу ун сифатига катта таъсир кўрсатар, ўз навбатида ун ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам қатор ноқулайликлар келиб чиқишига сабаб бўларди. Мана шунинг оқибатида харидорларнинг ҳақли эътирозлари кун сайин кўпайиб борди. Нима қилиш керак?

— Саволга жавоб аниқ эди, — дейди жамият бошқаруви раиси, ЎзХДП аъзоси Иброҳим Бўронов. — Ишлаб чиқариш мажмуи, айниқса тегирмон цехи модернизациядан сўнг бу миқдор 95 киловатт-соатга тушди. Шу нуқтаи назардан қараганда, агар корхона бир йилда 30 минг тонна донни қайта ишлаб, 23 минг тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эгалиги инобатга олинса, бу камида 46 миллион сўм ёки 460 минг киловатт-соат электр энергияси тежалади, дегани. Модернизациялашга қадар бир кеча-кундузда 100 тонна дон қайта ишланган бўлса, ҳозир бунинг салмоғи 120 тоннага, ун чиқиш даражаси эса қарийб 76 фоизга етди. Хусусан, биринчи навли маҳсулот салмоғи ошди. Бу корхонанинг нафақат ички бозордаги, балки ташқи бозордаги мавқеининг ҳам мустаҳкамланиб боришини таъминлаяпти.

— Энг асосийси, — дейди корхона таҳлилхонаси ходими Назира Жалилова, ҳозир экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқарилаётгани билан бирга, ишчиларга бўлган ғамхўрлик ҳам кучайди. Цехлардаги ортиқча ишчи кучларини бошқа ёрдамчи тармоқларга — новвойхона ва макарон ишлаб чиқариш цехига ўтказдик. Ойлик маошлар ҳам кўтарилди. Қисқаси, янги технология ишчилар манфаатдорлигини оширди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига эълонлар қабул қилинади.

ТЕЛ.: 233-38-55, 233-21-43

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ҒАЛЛАБАНК»

юртдошларимизни *Янги — 2009 йил билан* муборакбод этади!

Янги йил Сизга бахт-саодат, хонадонингизга файз-барака, юртимизга тинчлик ва фаровонлик олиб келсин!

Янги йил арафасида «Ғаллабанк» йиллик 26 фоиз даромад келтирувчи янги омонат турларини таклиф этади:

«ҚИШ ЗИЙНАТИ» — омонат муддати — 2 ой, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

«ЯНГИ ЙИЛ» — омонат муддати — 4 ой, фоизлар ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.

«НИЯТ» — омонат муддати — 6 ой, фоизлар ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.

Маблағлар 2008 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Аҳолининг «Ғаллабанк»даги омонатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057 сонли «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тўлиқ кафолатланади.

Омонатларга маблағлар «Ғаллабанк»нинг барча филиалларида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: *(+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89*

www.gallabank.com

Хизматлар лицензияланган

РЕКЛАМА

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

✓ Қарор ва ижро

ТУШУМ – КЎПНИНГ РИЗҚИ

унга хиёнат яхшиликка олиб келмайди

Нақд пул тушуми — давлат аҳамиятига эга муҳим вазифалардан эканлиги барчага аён. Зеро, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган ёхуд боқувчисини йўқотган оилаларга нафақалар, ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари тўлови — ҳаммаси нақд пул тушумига боғлиқ.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Нақд пул муомаласини банкдан ташқари айланмасини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳам шу. Бу борада мамлакатимизнинг тегишли органлари ва хизматлари жамоалари катта амалий ишлар олиб бораяпти.

Бизнинг Юнусобод туманимизда 2078 та савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари мавжуд бўлиб, шундан 2008 йил давомида инспекциямиз томонидан 1780 та хўжалик субъектларида текширишлар ўтказилди. Масалан, «Қисқа муддатли текширувларни ўтказиш» бўлими ходимлари томонидан ўтказилган 464 та текширувларнинг 463 тасида қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 декабрдаги «Аҳоли билан нақд пулга ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширишда назорат касса машинасини мажбурий қўлланилиши тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган текширувларнинг ҳам 286 тасида хўжалик субъектлари томонидан 144,0 миллион сўм миқдорида савдо ва хизмат кўрсатишдан тушган нақд пул тушумларига НКМдан чек уриб бермаслик ёки квитанция ёзиб бермаслик ҳолатлари аниқланди.


«Назорат касса машиналари ишлатишда жавобгарликни янада ошириш тўғрисида»ги қарор ижроси юзасидан ўтказилган текширувларнинг икки ҳолатида хўжалик субъектлари томонидан назорат касса машиналари дастурига ўзгартириш киритиш ва савдо тушумини банкларга топширмасдан яшириш ҳолатлари маълум бўлди.

Буларгина эмас, Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ўтказилган текширувларнинг 202 тасида 393,3 миллион сўм миқдорида кирим ҳужжатсиз ва сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатисиз товарлар савдода борлиги аниқланиб, улар вақтинчалик олиб қўйилди. Текширув ҳужжатлари бугунги кунда чора кўриш учун Суд органларига берилди.

Бундай қонунбузарликларнинг ҳеч бири натижасиз қолаётгани йўқ. Масалан, юқорида келтирилган ва бошқа хил текширувлар натижаларига асосан 310 та хўжалик субъектларининг ҳисоб рақамларига 177,8 млн. сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилди. 261 та шахсга нисбатан 5,6 млн. сўм миқдорида маъмурий жарималар солинди. Нақд пул тушумига кўз олайтириш, ноқонуний хатти-ҳаракат ҳеч қачон яхшилик келтирмайди.

А.ҲАСАНОВ,
Юнусобод тумани ДСИ бўлими бошлиғи

✓ Иқтисодиёт таянчлари



ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР

нақд пул эмиссиясида ва молиявий устуворликда юксак самара беради, — дейишмоқда Республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Навоий вилояти бўлими ходимлари

Бугунги кунда «пластик карточка», «электрон ҳамён» деган тушунчалар наинки республика акционерлик тижорат банкларини, балки барча ташкилот ҳамда корхоналарни кенг қамраб олди. Ўзбекистон Миллий банкининг Навоий вилоят бўлимида ҳам пластик карточкалар билан ишлаш ва нақд пул эмиссиясида ундан оқилона фойдаланиш яхши йўлга қўйилди. Минтақавий бўлим 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган 13 йил давомида умумий мижозлари сонини 127 минг 123 тага етказди. Шундан юридик шахс мақомига эга бўлганлар 3792 та, 123 мингдан ортиғи эса жисмоний шахслардир. Сўнгги бир йил ичида улар қарийб 29 мингтага кўпайди. Бундан кўринадики, банкда иқтисодий устуворлик ва молиявий барқарорлик бирмунча юқори.

Банк мижозлари ичида республикамиз иқтисодида стратегик аҳамиятга эга бўлган Навоий кон-металлургия комбинати ва унинг кўп сонли бўлинмалари, гидрометаллургия заводлари ҳам бор. Бундан ташқари республикамиздаги мавжуд 5 та цемент заводининг — жами цемент қўйилмаси ёки қурилиш маҳсулотининг 50-52 фоизини ишлаб чиқараётган «Навоийқизилқумцемент» корхонасининг ҳам айтарли барча ҳисоб-китоби ҳам айнан шу банкда туради. Худди шундай қарийб 10 минг кимёгар тер тўкаётган, қишлоқ хўжалиги, қўйинки, аграр сектор учун кўплаб минерал ўғитлар, азот селитраси, каустик сода сингари маҳсулотлар етказиб бераётган «Азот» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг ҳам айни шу банк молиявий кўмагида эканлиги — банк нуфузи ва обрўси юқорилигидан далолат беради.

Шу ва шунга ўхшаш кон саноати, цементсозлик, кимё мажмуалари каби йирик корхоналарга — корпоратив мижозларга замонавий талаблар даражасида хизмат кўрсатилмоқда. Буни банк активи — капитал қўйилмаси умумий айланма маблағи 115 миллиард 5 миллион сўмдан ошиб кетганидан ҳам билса бўлади.

Ҳозир бўлинманинг асосан Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларида ҳамда асосий ишлаб чиқариши — пахта, ғалла, пилла етиштиришга йўналтирилган Қизилтепа туманида 3 та филиали самарали фаолият кўрсатаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг бўлимнинг кичик мини банклари ва шохобчалари сони янада ортди. Ҳозир жойларда 6 та банк, 4 та махсус касса аҳолига намунали хизмат кўрсатаётган бўлса, яқин вақт ичида улар сони яна 2 тага қўпаядиган бўлди. Айниқса, Ёшлар йили номи билан тарихга кираётган 2008 йилнинг ўтган 9 ойи давомида Навоий шаҳрининг «Гулистон» супермаркетида, Зарафшон шаҳрининг «Мўъжизалар майдони» бозори ҳудудида банк қуйи шохобчалари ҳам очилгани нур устига нур бўлди.

Кейинги 2 йил давомида вилоятда пластик карточкалар билан ишлаш самарадорлигини тубдан ошириш, жойлардаги савдо-сервис терминаллари тармоғини янада кенгайтириш, бу билан нақд пул эмиссиясини янада қисқартириш масаласида ишлаб чиқилган ҳудудий дастур ижроси йўлидаги ишлар самарасини алоҳида қайд этиш жоиз. Ана шу дастурга кўра фуқаро ва жисмоний шахслар қўлидаги пластик карточкалар ой сайин кўпайибгина қолмай, улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам 2-3 баробар ортди. Аҳоли гавжум яшайдиган жойлар — деҳқон бозорлари, супермаркет, ресторан ва кафелар кенг қамраб олинди. Кундалик ва рўзғорбоп истеъмол моллари сотишга мўлжалланган савдо дўконларига замонавий банкомат ва терминаллар ўрнатилди. Шунингдек, терминаллар билан ишлайдиган савдо нуқталари, сервис ва автотеххизмат марказлари кўпайди.



Пластик карточкалар билан ишлаш, улар орқали ҳисоб-китоб қилиш ва тизим моҳияти ҳақида қандай тушунчага эгамиз? — деган масалалар хусусида банкда тарғибот-ташвиқот маркази очилди. Унда пластик карточкалар эгалари учун оммавий ва консултатив хизмат турлари, маслаҳат бюроси фаолият кўрсатмоқда. Жойлардаги банкомат ва терминалларнинг бекаму кўст, нуқсонсиз ишлаши борасида мониторинг — доимий кузатув кенгаши ташкил этилди. Натижада бу ва бунга ўхшаш тадбирлар жорий йилнинг ўтган даври мобайнида пластик карточкалар эгалари сонининг қарийб 35 мингдан ошишини, уларнинг умумий сони эса бўлинма бўйича 107 минг 346 тага етишини таъминлади. Зарафшон, Учқудуқ, Қизилтепа ҳудудий филиалларида бу борадаги режалар 120-130 фоизга етказиб бажарилди.

— Пластик карточкалар билан ишлаш жуда қулай эканлигини аҳолига тушунтириш бир кунлик ёки бир йиллик иш эмас, — дейди Миллий банкнинг вилоят бўлими бошқарувчиси Баҳриддин Бобоқулов. — Одамлар эндиликда коммунал тўлов борми, истеъмол моллари борми, ўзига маъқул ва яқин савдо дўконларидан ҳеч бир қийинчиликсиз харид қилишга эришаяптилар. Йўл харажатлари ҳам тежамда, вақтлари ҳам...

— Бўлимларда биргина пластик карточкалар иши эмас, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, банк субъектларига молиявий кўмак бериш, уларни вақтида қўллаб-қувватлаш ишлари бугунги кун талаблари даражасида, — дейди вилоят Марказий банки бош бошқармаси бошлиғи Улуғбек Раззоқов. — Банк ходимлари тақдим этаётган ҳар бир истиқболли лойиҳаларни биринчи галда молиялашни асосий иш дастури деб билмоқдалар. Шу боис, Миллий банк вилоят бўлими 12 та тижорат акциядорлик банклари ичида пешқадамлар сафида турибди. Биргина амалдаги йилнинг ўзида банк жами 74981,1 миллион сўмлик турли (ипотека, ёш оила, истеъмол кредитлари учун) имтиёзли ёки узоқ муддатли кредитлар ажратган бўлса, шундан 5186,0 миллион сўми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар учун берилган маблағлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини ўзларининг асосий иш мезони деб билган банк жамоаси ҳозирга қадар умумий омонатлар қолдиғини 26,8 миллиард сўмга етказишга муваффақ бўлишди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида банк хазинасига чет эл валютаси ва миллий сўмда 3,6 миллиард сўмлик бўш пул маблағи келиб тушди. «Вестерн-Юнион», «Контакт», «Ледир» пул ўтказмалари тизимлари бўйича ҳам аҳолига чакана банк амалиётлари кўрсатилиб, жорий йил октябрь ҳолатига 33,2 минг АҚШ доллари ҳажмида фойда тушумига эришилди. Йилига 13, 14, 16, 18 фоизли қилиб белгиланган «Янгилик», «Камолот», «Фаровон», «Арафа», «Тўкинчилик», «Келажак», «Ишонч», «НБУ Классик» каби ўнлаб турдаги омонатларга ҳозирга қадар аҳолининг 5 миллиард сўмдан зиёд бўш пул маблағлари жалб этилди.

— Банк ишида ўлчов бирлиги ҳам, чегараланган иш соати ҳам йўқ — дейди банк ходими Ғайрат Содиқов. — Қанча кўп ишласак ва банкка қанча кўп мижоз чорласак ишимиз самарадорлиги ҳам шу қадар ортиб боради. Банк мижоз учун деган тушунчанинг туб моҳияти ҳам ўзи шунда. Аниқроғи, пластик карточкаларнинг сони ва сифати нақд пул эмиссиясини қисқартиришга, нақд пул муомаласини барқарорлаштиришга, миллий сўмимиз қадрини мунтазам оширишга хизмат қилади.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири. t


Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

РЕКЛАМА

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- **«АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);**
- **«АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);**
- **«УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).**

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.


Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.


Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Мошгабиб» кўчаси, 7-уй, Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

«ТОШКЕНТПАХТАСАНОАТ»

ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ









юртдошларимизни кириб келаётган —

2009 йил билан

самимий муборакбод этади!

Бободеҳқонларимиз уйган осмонўпар пахта хирмони, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти йил сайин юксалаверсин!

«ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ» ЙИЛИ БАРЧАМИЗГА ҚУТЛУҒ КЕЛСИН, АЗИЗЛАР!



ИҚТИДОРЛИЛАР ТАНЛОВИ

Самарқандда "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар, реабилитация марказлари тарбияланувчиларининг фестивали ўтказилди.

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти кенгашлари, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуман ёшлар ўртасида миллий урф-одат ва анъаналаримизни кенг тарғиб этиш, уларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

— Фестивални йил давомида шу йўналишда ўтказиб келинган тадбирларнинг якуний босқичи дейиш мумкин, — дейди Қизил ярим ой жамияти вилоят кенгаши вакили Гулмира Келдиёрова. — Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда йил давомида Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатларда кўплаб танловлар ташкил этдик. Иқтидорли, ижодкор ёшларни аниқлаб, уларни рағбатлантирдик. Бугунги фестивалда ана шундай ўғил-қизлар ўзларининг рангтасвир асарлари, ҳунармандчилик буюмлари, куй-қўшиқларини намойиш этмоқда.

Фестиваль сўнгида энг фаол, иқтидорли иштирокчилар, шунингдек, намунали таълим муассасалари тақдирланди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

юртимиз аҳолисини кириб келаётган 2009 йил билан табриклайди ва

«ШОДЛИК»

янги муддатли омонати миллий валютада жорий этилаётганини маълум қилади:

- омонатни сақлаш муддати — **30 кун;**
- йиллик фоиз ставкаси — **18%+7%ли бонус;**
- омонат бўйича фоизлар ва бонуслар омонат муддати тугаганидан сўнг капиталлаштирилмаган ҳолда тўланади;
- дастлабки бадал миқдори чекланмаган;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- омонатга бадаллар фақат нақд пулда қабул қилинади.

Омонатга пул маблағлари 2008 йил 31 декабрга қадар қабул қилинади.

Ўз омонатларини бошқаришни бизга ишониб топширганларнинг фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.



www.nbu.com
Хизматлар лицензияланган.

«POYTAXT AUKSION»

давлат унитар корхонаси

қуйидаги автотранспорт воситалари 2009 йилнинг 27 январидан аукцион савдоларига қўйилишини маълум қилади:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган O"zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Strategik va mintaqalararo tadqiqotlar instituti тасарруфидаги 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AL 740 бўлган «ГАЗ-3110» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси — 6 070 000 сўм.**

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 263-уй манзилида жойлашган «2-Avtobus saroyi» ochiq aktsiyadorlik jamiyati тасарруфидаги:

— 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AY 524 бўлган «ГАЗ-31029» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси — 2 500 000 сўм;**

— 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 BA 233 бўлган «Опель-Вектра» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси — 3 000 000 сўм.**

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Мазкур автотранспорт воситалари савдога қўйилиши белгиланган кунда сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳар ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади.

Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.
Телефон: 233-23-40.

✓ Қилмиш-қидирмиш

«МЕН МОНОПОЛИЯ, ПРОКУРАТУРА, ДЕПАРТАМЕНТДАНМАН»

дея кўпларни чув туширган сохта текширувчининг сири фош бўлди

Насирходжа Муратходжаев муқаддам икки марта судланган. Аммо бундан тегишли хулоса чиқармади. Оқибатда учинчи марта судланди.

Шу йилнинг май ойи бошларида Насирходжа Муратходжаев «Монополия, Прокуратура, Департамент» бўлими бошлиғи муовини лавозими кўрсатилган 79797-рақамли қалбаки гувоҳнома тайёрлади. Қалбаки гувоҳнома билан Яккасарой туманида жойлашган «Салом фарм» МЧЖга қарашли дорихонага кириб борди. Жамият раҳбарига ўзини «таништирди».

— Мен Монополия, Прокуратура, Департаментданман. Текширгани келдим. Агар келишсак, текширишни кечиктиришим мумкин.

Келишилди. У жамият раҳбаридан 140.000 сўмни олиб «қуён» бўлди.

Навбатдаги «Нишон» Чилонзор туманида жойлашган «Ҳамдард амир» МЧЖга қарашли дорихона бўлди.

— Текширгани келдим, — деди у сохта гувоҳномани кўрсатиб. — Оқибати ёмон бўлади-я...

Бу ердан ҳам 200.000 сўм олинди.

Насирходжа Муратходжаев «ови» юришаётганлигидан хурсанд ҳолда Тошкент туманидаги «Илҳом ота» МЧЖга қарашли дорихона раҳбарига ўзини таништириб, «эски ашула»ни такрорлади:

— Майли, текшириш ўтказмайман. Аммо бунинг учун «қуруғи»дан берасиз.

«Текширувчи» 60.000 сўмни олиб, чўнтагига солди.

Кейинги гал Собир Раҳимов туманида жойлашган «Баҳриддин-Доно» МЧЖ раҳбарини қўрқитди.

— ...Департаментданман. Текшириш ўтказишим керак.

Бу ердан 1.000.000 сўм ундирилди. Чилонзор туманидаги иккита дорихона раҳбаридан ҳам шу йўл билан 900 АҚШ долларини қўлга киритди.

Лекин сохта гувоҳнома билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 47 та дорихонада «текшириш ўтказган» товламачи навбатдаги дорихонани «текшираётган» пайтида қўлга олинди.

Фирибгар-ку қонун олдида жавоб берди. Лекин бизни бошқа нарса ўйлантиради. Сохта гувоҳнома билан бир эмас, 50 га яқин дорихона раҳбарлари гувоҳномадаги ёзувларга зийракроқ қараб, «бунақа лавозим бормикин?» деб шубҳага бормаган бўлса. Ёки дорихоналар кўчадан кириб келган ҳар қандай фирибгарга «мана, олинг» деб пул тутқазадиган жойми? Ахир, текширув ўтказишнинг белгиланган қонун-қоидаси борку. Қолаверса, ўзи ҳақлигига ишонган одам пешона тери билан топган пулини бировга осонгина бериб қўймайди-ку...

Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган одамни алдаб бўлмайди. Фирибгарлар, учарлар айнан ҳуқуқий билим етишмаслигидан фойдаланишади. Шунинг учун ҳуқуқий билим ва маданият ҳар бир инсон учун муҳим аҳамиятга эга.

Абдужаббор МУЛЛАЖОНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси шахсий таркиб бўйича бўлим бошлиғи,
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ Биз билган, билмаган тарих

МАХДУМИ ХОРАЗМИЙ



Самарқанддаги Регистон майдонининг шарқий қисмида юқоридаги ном билан аталадиган гузар ҳамда обида бор


У кишининг тўлиқ исми Камолиддин Ҳусайн бўлган, ўзини Ҳусайн ал-Хоразмий деб таништирган. Фозилу уламолар Махдуми Хоразмий дейишиб, у кишига ҳурматларини изҳор этишган. Махдуми Хоразмий фазилатлари хусусида маълумот берувчи манбалардан бири 1583 йилда ёзиб тугатилган Абул Фазл Сулаймоннинг «Жомиъ ул-асрор» («Сирлар мажмуаси») китобидир.

Камолиддин Ҳусайн 1466 йилда туғилган (ота-онаси андижонлик бўлиб, тақдир тақозосига кўра Хоразмга келиб қолишган). У дастлаб мадрасада ўқиган. 1490 йилда Хожа Аҳрор Вали билан учрашиш учун Самарқандга йўл олган. Лекин у келгунча Хожа Аҳрор Вали вафот этган. Шу боис у 1493 йилда Хуросонга бориб, ўн йил Махдуми Аъзам номи билан танилган Хожа Муҳаммад ал-Хабушоний хизматида бўлган. 1504-1505 йилларда Хоразмга қайтиб, тасаввуф тариқатларини кенг тарғиботчиси сифатида шуҳрат қозонган. Довруғи Заҳириддин Муҳаммад Бобурга етиб, уни бир неча бор Ҳиндистонга таклиф этган.

1518 йилда ихлосмандлари Махдуми Хоразмийни Самарқандга келишга кўндиришган. У ҳозир Махдуми Хоразмий деб аталадиган жойдан ҳовли олиб, оиласи билан кўчиб келган. Самарқандда ҳам эзгу ишларини давом эттирди, фақир-мискинларга мурувват кўрсатди, масжид қурдирди, шаҳардаги ва ён-атрофдаги табаррук қадамжолар зиёратига борди.

Кексайган чоғида ҳаж фарзини адо этиш учун сафарга отланди. Ҳаж маросимларини тўлиқ бажарган олим Шомга қайтганда, хасталаниб қолади. Ва шу жойда қолишни маъқул кўради. Фарзандлари, хеш-ақраболарини Ватанга кузатиб видолашади. У 1551 йилда вафот этади. Васиятига кўра жасади Шомда ўзи қурдирган хонақоҳга дафн қилинган.

Яқин-яқингача ўз даврининг етук тасаввуф намояндаси бўлган Махдуми Хоразмийнинг бирорта асари ҳам сақланмаган, деган фикр мавжуд эди. Бироқ, унинг шогирдлари томонидан 1554 йилда оққа кўчирилган одоб-ахлоққа бағишланган бир неча рисоласи Шарқшунослик институтида сақланаётган экан. У кишининг ҳаёт ва ижодини ўрганиш, асарларини нашрга тайёрлаш, қурдирган масжидини янада обод қилиш мақсадида Самарқандда бир қатор ишлар режалаштирилмоқда.



Мустақиллик шарофати билан фозилу фузалолар шаҳри бўлган Самарқандда яна бир муборак зотнинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганишга киришилди. Ишонамизки, ўз даврида эл-улус ҳурматини қозонган Махдуми Хоразмийнинг ҳам номи бутун бўй-басти билан тикланади.

Моҳитўра ТУРСУНОВА

Суратларда: *Махдуми Хоразмий қурдирган масжиддан лавҳалар.*





❖ Интер-спорт

«ҚУШ УЯСИ»ДА СУПЕРКУБОК ЎЙИНИ




Футбол бўйича Италиянинг келгуси йилдаги суперкубок ўйини Пекин олимпиадасининг тантанали маросимлари ташкил этилган «Қуш уяси» стадионида ўтадиган бўлди. Икки томон келишувига кўра бу ўйин 2009 йил 23 августда бўлади. Унда Италия чемпиони ва кубоги соҳиби ўзаро учрашади. Қизиғи, бу мамлакат ташқарисида ташкил этилаётган биринчи суперкубок ўйини эмас. Бунгача Италия суперкубоги ўйини 1993 йил Вашингтонда, 2002 йил Триполида, 2003 йил Нью-Йоркда ташкил этилган.

ТЕННИС ЮЛДУЗИ



Россиялик машҳур теннисчи Марат Сафин шу йил катта спортдаги фаолиятини тугатмоқчи эди. Бироқ унга мураббийи, швециялик таниқли мутахассис Петер Лундгрен яна бир йил теннис ўйнаши мумкинлигини айтди. Марат мураббийининг бу фикридан кейин ўз қарорини ўзгартириб, теннис мухлисларига яна бир йил ажойиб ўйинларини намойиш этса ажаб эмас.

ОҒИР ВАЗНЛИЛАР ЎРТАСИДА ЖАНГ



Россиялик оғир вазнли боксчи Александр Поветкин Халқаро бокс федерацияси (IBF) чемпиони Владимир Кличкога қарши бўладиган жангга ҳозирлик кўрмоқда. У тайёргарлик машғулотларига собиқ жаҳон чемпиони америкалик Эвандер Холифилдни таклиф этди. Яқиндагина Николай Валуевга қарши чемпионлик жангтида озгина фарқ билан мағлубиятга учраган Холифилд бу таклифга розилик билдирди. Кличко ва Поветкин ўртасидаги жанг қизғин ўтишини ҳозирдан башорат қилиш мумкин.

А.БЕК

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон халқ шоири, «Саодат» журнали Бош муҳаррири Ойдин Ҳожиевага опаси

Шарифа ҲОЖИЕВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

❖ Огоҳлик

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ

Тўғри, ҳар биримиз Янги йил кечаси қувноқ ва қизиқарли ўтишини истаймиз. Кимдир ўз уйига Қорбобо ва Қорқизни таклиф этади, кимдир ҳар хил ўйинларни ўйлаб топади. Кўпчилик болалар эса мушакбозликни яхши кўришади. Шунинг учун ҳам улар пиротехника воситаларини сотиб олишга ишқибоз бўлишади. Шу боис айрим «тадбиркор»лар Янги йил арафасида четдан ноқонуний йўллар билан ҳар хил пиротехника воситаларини олиб келишади. Уларнинг сифати, хавфли томонларига умуман эътибор беришмайди. Бунинг оқибатида Янги йил оқшомида одамлар тинчи, асаблари бузилади.

Маълумотларга қарағанда, кучли овоз ички қулоқдаги қилсимон тўқималар узилишига ва карлик касалига сабабчи бўлар экан. Бунинг устига, билиб-билмай ишлатилаётган пиротехника воситалари болаларнинг ўзларига, бошқаларга жароҳат етказаётганига ҳам гувоҳ бўлаяпмиз.

Бундай кўнгилсиз воқеани эшитганда, кимдир пиротехника воситасини ишлаб чиқарганни, кимдир уларни мўмай даромад илинжида сотаётганларни, кимдир беодоб бола ўстирган ота-онани, кимдир тарбия бермаётган ўқитувчиларни айблайди. Ҳолбуки, кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишга барчамиз бирдай жавобгармиз.

Дилфуза БОЗОРОВА

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Asror MO`MINOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston
Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007 yil
11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 1149
7800 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.55
7 8
Sotuvda erkin narxda